

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

БУЮК АДИБ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ  
ТАВАЛЛУДИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов нафақат қирғиз эли, айни пайтда, бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо, Ўзбекистоннинг улкан дўсти эди.

дўст ва ижодий ҳамкор бўлгани ёш адибларимиз учун юксак ибрат намунасидаир.

вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуриндаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва жамоатчилик вакилларининг буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги тақдирлари маъқуллансин.

китебини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

ва ўрта махсус, касб-хунар, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли шoir ва ёзувчилар, олимлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуриндаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтини 56 нафар етакчи қайта тайёрловдан ўтди.

YUKSALISH  
56 НАФАР ЕТАКЧИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАНДИ



Ақтам Жалилов иштирок этди.

JARAYON  
БЕГОНА НАЗАР БИЛАН  
ҚАРАШГА ҲАҚҚИНГИЗ ЙЎҚ!



тарқатишни тақлиф қилди.

Аввал хабар берганимиздек, ҳудудлардаги ижтимоий-маънавий аҳвол, ёшларнинг кайфияти ва муаммоларини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуранбаев Хоразм вилоятига ташриф буюрганди.

нафар ўқувчи учун Самарқандга бепул саёҳат уюштирилди деган бўлди. Бундай эътибордан ёшлар беҳад қувонди.

керак. Ўқувчига дўст бўлган инсоннигина мен ҳақиқий етакчи деб атай оламан. Шунин билан кўйинг: биронта ҳам ўқувчига бегона назар билан қарашга ҳаққингиз йўқ!

Сумбулой НУРМЕТОВА

FESTIVAL  
АФАНДИНИ КЎРГАН САЙЁҲЛАР



DAVRA SUNVATI  
ИХЧАМ ТЎЙДАН ҚЎЙМАСИН

Бухоро шаҳридаги Ёшлар марказида "Ёшлар камтарона ва ихчам тўйлар тарафлари" мавзусида тарихот тадбири бўлиб ўтди.

дабдабабозлик ва исрофгарчилик иллатлари нафақат бир оила, балки жамият тараққиётига раҳна солиши, бундай хунук ҳолатларнинг олдини олишда ёшлар ҳам ташаббус кўрсатмоғи лозимлиги таъкидланди.

Сабина Тоирова. — Лекин уйлаб қарасам, бу истагим ота-онамни қийнаб қўяр экан. Ундан кўра, ўша маблагга тадбиркорлик фаолиятини бошласак, жамият учун анча фойда келтирардик.

Мироншоҳ ЭРКИНОВ

ESHITDINGIZMI?  
ЭНГ ЯХШИСИ  
ЎЗИМИЗНИҚИ



Венецияда бўлиб ўтган VIII Қисқа метражли фильмлар халқаро фестивалида ёш режиссёрларимиз — Абдуазим Илҳомонов ҳамда Ботир Абдурахмоновнинг "Мама" кинокартинаси энг яхши деб топилди.

4 АПРЕЛДА  
Тошкент Жанубий вокзали ишга тушади



Бундан аввал мажмуа ҳукумат қарорига мувофиқ замонавий архитектура талаблари асосида тубдан реконструкция қилинган эди.

Юртимизда  
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ  
ТУЗИЛАДИ



Бу ҳақда Президентимизнинг 2018 йил 2 апрелидаги "Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида белгилаб қўйилган.

Ўз ахборотимиз.

Баракаси меҳнатга яраша

Қайга бормай, бошда дўппим...

TASHABBUS VA IJRO

# БАРАКАСИ МЕХНАТГА ЯРАША

Санжар ЭШМУРОДОВ

Үлим тўшагида ётган ота дангаса ўғилларига: “Токзорга хазина кўмганман”, — дейдию, жон таслим қилади. Олтин вазвасасида нафси ҳақалак отган фарзандлар қўлига кетмону белкурак олиб, қаровсиз ерларни бир бошдан қовлашга тушади. Афсуски, ҳеч нарса тополмайди. Аммо шу баҳонада тоқларнинг таги юмшади. Ҳа шундан хосил баракали бўлиб, ака-укалар бойиб кетади. Қиссадан ҳисса шуки, томорқа — хазина, унинг калити эса, меҳнат экан.



Ушбу ҳақиқатни чуқур англаган баъзи юртошларимиз бугун ҳовли-жойидан унумли фойдаланиб, ихчам иссиқхоналар барпо этмоқда. У ерда помидор, бодринг, лимон етиштириб, мўмай даромад кўряпти. Ҳеч бўлмаганда, сабзи, пийёз, картошка экиб, рўзгорнинг кам-кўстини бутлаётти-да. Бундай оилаларга ҳавасинг келади.

Сув тақчиллигини баҳона қилиб, ҳайҳотдай ерини қаровсиз қолдирган. Жуда бўлмаганда ўзини қийнамаслик учун номигагина бедами, манзарали дарахтми эккан, холос. Оёғи остидаги тайёр даромад манбаига эътибор қилмай, ишсизликдан азият чекиб, ўзга юртларда сарсон бўлиб юрганлар қанча. Таҳлиллар шунини кўрсатадики, республикадаги 445 минг гектар ер майдонидан салкам 19 минг гектари бўш ётибди. Бу

фуқароларимизда ердан фойдаланиш маданияти тўлиқ шаклланишидан далолат беради. Шу туфайли 2017 йилнинг 10 октябрыда Президентимиз “Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш

бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни қабул қилди. Ҳужжат аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида яқинда ҳукумат қарори билан “Деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер

участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисида”ги низом ҳам тасдиқланди. Эндиликда мутасадди ташкилот вакилларида тузилган ишчи гуруҳи ҳар йилнинг январь, декабрь ойларида

уйма-уй юриб, аҳоли томорқасидан нечоғлиқ самарали фойдаланаётганини ўрганади. Ҳар қайси ҳудуднинг иқлими, тупроқ таркиби ва ҳолатидан келиб чиқиб, хонадон эгаларига қандай маҳсулот етиштириш мумкинлиги ҳақида зарурий тавсиялар берилади. Шахсий томорқасидан даромад кўраётган ҳамюртларимиз учун ер солиғининг 30 фоизи миқдорда имтиёз ҳам кўзда тутилган. Бордию, бунинг акси бўлса, ушбу солиқ турининг миқдори уч баробарга оширилади.

Шу билан бирга, Президентимиз қароридан “Меҳнаткаш деҳқон” ва “Намунали томорқачи” кўкрак нишонлари таъсис этиш ҳам белгиланган. Бундай амалий саъй-ҳаракатлар аҳоли орасида боқимандалик қайфиятини йўқотишга ҳамда меҳнатга иштиёқини кучайтиришга хизмат қилса, ажаб эмас.

DUNYO BIZ HAQIMIZDA



## “BERITA MUSLIM LIFE” эътироф этди

Таиланда чоп этиладиган машҳур “Berita Muslim life” журнали Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг халқаро жараёнларга таъсир кўрсатган 2017 йилнинг энг машҳур шахслари қаторидан жой олгани тўғрисида ёзди.

Нашр нуфузли рейтинг Барселона халқаро муносабатлар маркази томонидан тузилгани ва давлатимиз раҳбари унга иккинчи бор киргани ҳақида хабар беради. Мақолада айтилишича, Шавкат Мирзиёев президент этиб сайланган,

жуда қисқа вақт ичида Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамияти учун очиқ мамлакатга айлантира олди. Унлаб маҳбустлар афв этилди. Ташқи сиёсатда эса, биринчи навбатда, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни тиклашга киришилган.

## БРИТАНИЯЛИК ЭКСПЕРТЛАР БАҲОСИ

26-27 март кунлари “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзuida Афғонистон бўйича ўтказилган Тошкент халқаро конференциясига Британия экспертлари ўз муносабатини билдирди.

Хусусан, “Шарқ – Ғарб” институти етакчи илмий ходими Нажам Аббоснинг фикрича, расмий Тошкентнинг янги ёндашуви афғон муаммосини бартараф этишда анча қўл келиши мумкин.

Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми директори, профессор Сиддхарт Саксена эса, Ўзбекистонни минтақавий кооперациянинг локомотиви, деб ҳисоблашини айтди. “Ўзбекистон Президенти Марказий Осиёни жипслашган минтақага айлантиришга интиломоқда, — қайд этди у. — Шавкат Мирзиёев Афғонистонга нисбатан янги ҳақиқат сиёсати юритишни бошлади. Бу юртин кўпгина давлатлар муаммолар учоғи сифатида қабул қилса, Ўзбекистон раҳбари унинг халқаро ҳамжамиятга нафи тегадиган, ҳақиқий фойдаланилмаган салоҳиятига ургу бермоқда. Ишончим комилки, бундай ёндашув Афғонистон халқи ҳамда бутун минтақа истиқболи учун хизмат қилади”.

Сент-Эндрюс университети (Шотландия) катта илмий ходими Маттео Фумагалли Афғонистон бўйича ўтказилган конференция Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро ролин ошириши, Марказий ва Жанубий Осиёдаги хавфсизликка ўз ҳиссасини қўшиш асосида яқин кўшнлар билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан мамлакат раҳбариятининг интилошларини намоён этишини таъкидлади.

Экспертнинг айтишича, минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун вақт ва саъй-ҳаракат керак. Бу айниқса, Афғонистонга тегишлидир. Зотан, бир-бирига қарши курашаётган томонлар ўртасида ярашувга эришиш юзасидан илгари ҳам уринишлар бўлган, бироқ улар ҳақи ўз натижаларини бергани йўқ. Афғонистонда тинчлик ўрнатилган нўздан Афғонистон қўзлаган мақсадга эришиш учун вақт, доимий эътибор ва муҳими, моддий ҳамда инсоний ресурслар талаб этилади.

ITTIFOQ KAFILLIGI OSTIDA

# ҚАМАЛМАГАНИГА ШУҚР

Аҳҳам ЖҲҲРАЕВ

Ёшлик — умр баҳори. Айни эзгу ишларга қўл уриладиган палла. Афсуски, орамизда ҳамма ҳам бундай имкониятнинг қадрига етаётгани йўқ.



Сирдарёлик Элёр Раҳмонқулов ва Бобомурод Холиқов тўрт мучаси соғ, барваста йигитлар. Курсангиз, тоғни талқон қилгулик ғайрати бор. Аммо... Бахтга қарши, улар қинғир йўлни танлади. Айш-ишратга берилди. Шайтон измига юриб, жиноят содир этди. 2017 йил ноябрь оқшомларининг бирида икки дўст Гулистон шаҳри “Тараққиёт” маҳалласи ҳудудида Сардор исми оғуфруш билан пинҳона учрашиб, ундан 1,84

грамм марихуана сотиб олади. Кейин гиёҳвандлик моддасини ҳамтовоқлари — Бахтиёр Холиқов ва Алишер Карбаев билан бирга истемол қилади. Қонунбузарга жазо муқаррар. Афсуски, кўзи нафс пардаси билан қопланиб, оғуға тобе бўлиб қолган наврасталар бу ҳақиқатни кеч англаб етди. Ғўрлиги ва калтабинлиги панд бериб, охири, жиноятчилар курсисидан жой олди. Суд уларни Ўзбекистон

Республикаси Жиноят кодексининг бир қатор моддалари билан айбдор деб топди. Иккисини ҳам қамоқ жазоси кўтаётгани. Минг шўқрки, давлатимиз бағрикенг, инсонпарвар. Ўтган йилдан буён Президентимиз ташаббусига кўра адашиб жиноят йўлига кирган, қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган ёшларга нисбатан жамоат ташкилоти кафиллиги асосида озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш амалиёти қўлланилмоқда. Элёр ва Бобомуродга ҳам ана шундай бахт nasib этди.

Суд мажлисида қатнашган Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Сирдарё вилояти кенгаши раиси ташкилот йигитларни ўз кафиллигига олишини маълум қилди. Мазкур муурожаат инобатга олинб, жиноятчилар суд залидан озод этилди. Бироқ энди уларга назорат қилувчи орган руҳсатисиз уйини тарк этиш, кўнигилолар жойларга бориш, спиртли ичимликлар ва киши ақл-идроқига таъсир қиладиган бошқа хилдаги маҳсулотларни истемол қилиш, интернетдан фойдаланиш тақиқланди.

TAJIRIBA

# ШУМЛИГИ ҚОЛМАДИ

Ситора ТИЛЛАЕВА, Жондор туманидаги 39-мактабнинг бошланғич ташкилоти етакчиси

Одатда шўх ва безори болалар бошқаларнинг эътиборини ўзига қаратишга, тенгдошлари орасида ажралиб туришга интилади. Шундан келиб чиқиб, мактабимиз сардорлари билан бирга “Шум бола — Иттифоқда фаол бола” лойиҳасини ишлаб чиқдик.

Ғоя қуйидагича: хулқи ёмон ва ўзлаштириш даражаси паст ўқувчиларни синф сардори этиб тайинладик. Тез орада бу болаларнинг ижтимоий фаоллиги ортди. Сабаби улар ўзлари истагандек эътиборга сазовор бўли-да. Ана ундан сўнг шу эътибор ва ишонччи йўқотмасликка ҳаракат қила бошладик. Масалан, 10-синф ўқувчиси Шохиддин

Рўзиев дарсларни кўп қолдириб, тенгдошлари билан чиқишмасди. Синф сардори бўлгач эса, босилди-қолди. Қолаверса, бир қанча лойиҳаларга ҳам қўл урди. Вақт ўтиб, туман сардори этиб сайланди. Кўни кеча ўзи шакллантирган жамоа билан бирга “Энг намунали сардорлар кенгаши” кўрик-танловининг вилоят босқичида қатнашиб, 2-уринни эгаллади.

# YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA BOLALAR ANSAMBLLARI FAOLIYATIGA EYTIBOR

Н.УСМОНОВА, Ҳза муҳбири

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик томонидан болалар мусиқа ва санъат мактаблари ансамбллари республика кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди. Мамлакатимизда ёш авлодининг мусиқий дидини тўғри шакллантириш, уларни болаликдан мусиқа оламига ошно қилиб тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 31 май куни қабул қилган маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига мувофиқ, ўқувчи-ёшларни миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг энг

сара намуналаридан баҳраманд этиш, уларнинг бадиий-мусиқий дидини юксалтириш, ўғил-қизларни санъат масканларига мунтазам жалб этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Айни пайтда болалар мусиқа ва санъат мактабларидаги таълим жараёнларини сифат ва мазмун жиҳатидан янада юксалтириш, уларнинг фаолиятини доимий ўрганиб, таҳлил этиб бориш, мазкур таълим масканларига моҳир санъаткорларни бириктириш, устоз-шогирда мактаби аъёнларини йўлга қўйиш юзасидан Маданият вазирилик томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур кўрик-танловнинг якуний босқичида юртимиз болалар мусиқа

ва санъат мактаблари ансамбллари ва ансамбллари энг яхшиларни ўз бадиий-мусиқий дастурини ҳақамлар ҳайрати эътиборига ҳавола этди. Кўрик-танловда иштирок этган болалар мусиқий жамоалари фолиблари халқ чолғулари ансамбли, аънавий созандалар, аънавий ашулачилар, фольклор, эстрада вокал, эстрада чолғу, хор жамоалари ансамбллари каби йўналишлар бўйича аниқланди. Болалар ансамбллари кўрик-танловга тайёргарлиги, ижро маҳорати, саҳна маданияти каби жиҳатларига асосий эътибор қаратилди. Фолиб бўлган ансамбллар тури йўналишлар бўйича дипломлар билан тақдирланди.

# ТАРҒИБОТНИНГ МАҚБУЛ УСУЛИ

Абдуҷалил АБДУРАҲМОҲОВ

Ёшлар Иттифоқининг Олтинқўл тумани кенгаши ташаббуси билан мактаб ўқувчилари ўртасида мини-футбол мусобақаси ташкил этилди. Яшил майдонда 16 жамоа баҳс олиб борди.



Ҳар бир ўйин қизгин ва ҳаяжонли дақиқаларга бой ўтди. 1-урин 5-умумтаълим мактаби спортчиларига nasib этди. Улар диплом, медаль ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди. — Турнирни ўтказиш гоёси ёшларнинг ўзидан чиққанди,

— дейди Иттифоқнинг 3-умумтаълим мактабидаги бошланғич ташкилоти етакчиси Моҳичехра Умарова. — Спорт соғлом турмуш тарзини тарғиб этишнинг энг мақбул усули. Шундан келиб чиқиб, мазкур йўналишда бошқа лойиҳаларни ҳам амалга оширяпмиз.

# “THE DIPLOMAT” саволни кўндаланг қўйди


АҚШнинг етакчи журнали — “The Diplomat” сайтида нашр муҳаррири Кэтрин Путнинг “Ўзбекистоннинг Афғонистон бўйича тинчликпарвар конференцияси: ундан нима кутиш керак?” сарлавҳали мақоласи эълон қилинди.

Муаллиф мамлакатимиз пойтахтида ўтказилган нуфузли анжуман Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятида танлаган янги йўналишнинг ёрқин мисоли бўлганини, бундан минтақа давлатлари билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатил мақсад қилинганини таъкидлади. Шунингдек, Тошкент халқаро конференцияси доирасида иштирокчилар Афғонистондан тарқалаётган терроризм

хавфини бартараф этиш ҳамда бу бўйича ҳамон сақланиб қолаётган қарама-қаршиликларга узи-кесил нуқта қўйишдек гоётада муҳим масалалар юзасидан янги форматда фикр алмашганига эътибор қаратади. Америкалик мутахассис Ўзбекистон ҳукумати жафокаш қўшни республикадаги мураккаб вазиятга нисбатан прагматик муносабатда эканини ҳам қайд этган.

“Жаҳон” АА материаллари асосида тайёрланди.

## 1 йилда 101 та китоб ўқиди



Клара ХУДАЙБЕРГЕНОВА

У ким экан, дея қизиқяпсизми? Ҳойнаҳой, талаба бўлса керак. Топмалингиз. Ростини, аввалига ўзимиз ҳам шундай тахминга боргандик. Бироқ 24 ёшли Түренияз Акимов бармен эканини билгач, ҳайратимиз янада ортади.

Китобсевар дўстимиз эрталабдан кечгача иш билан банд. Бироқ мутолаага барибир вақт ажратади. Түренияз Республика ёшлар маркази ҳудудий бўлимининг фаол аъзоси. Бу ердаги мўъжаз кутубхонадан сира қадами узилмайдими. У Нукус шаҳридаги 5-умумтаълим мактаби, 9-ихтисослаштирилган мактаб-интернати ҳамда Кердер касб-ҳунар коллежиди таҳсил олган. Ҳозир эса, «Агро» кафеда фаолият кўрсатиб келмоқда. — Мутолаадан завқланаман, — дейди Т.Акимов. — Уч йилдан буён тинмай китоб ўқийман. Ишонинг, бу энг фойдали ва дилга ёқар машғулоти! Китоб ёрдамида менда мулоҳаза, таҳлил қилиш қобилияти ривожланди. Ўзимни-ўзим тафтиш қилаётган, атрофдагиларга кўпроқ эътибор берадиган бўлдим. Китоб — тарбиячи. Келгусида фарзандларимни ҳам у билан ошно қилмоқчиман. Биз эса, Түренияз каби қалби уяғоч ва ҳаракатчан тенгдошларимиз кўпайишини хоҳлардик.

## МАЙДОНДА ЕНГИЛМАС ЙИГИТНИНГ ЗЎРИ

Малик СИНДОРОВ

Ўзбекистон кураги ерга тегмайдиган полвонлару моҳир чавандозлар юрти. Аждодларимиз азалдан ўз куч ва иродасини турли ўйинларда тоблаб келган. Улоқ-кўпқари шулар ичида анча машҳурдир.



Кенг майдонда от чоптириб, 25-30 кило тош босадиган солимини рақиблардан олиб қочишинг ўзи бўлмайди. Камида билангиз бақувват, шаштинг баланд бўлмоғи даркор. Бундай забардаст ёшлар оралида йўқ дейсизми? Бўлганда қандоқ!

Яқинда улар Жиззахнинг Қашқабўлоқ қишлоғига тўпланди. Ёшлар иттифоқининг Галлаорол тумани кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган кўпқари ўйинида вилоят маркази ҳамда олис туманлардан келган 114 нафар эгичил чавандоз ўзаро куч синашди.

Энг кичиги 16 ёшда. "Миллий спорт ўйинлари ёшларни жисмонан бақувват, маънан соғлом қилишга хизмат қилади!" шори остида ўтган мусобақа олдида маҳалла нурунийлари дуога қўл очиб, барча иштирокчиларга ҳалол курашда омад ёр

бўлишини тилади. Қизгин олишув кўпқари майдонини ўраб олган минглаб ёш қарига унутилмас завқ улашди. Муросасиз баҳсада Оқтош қишлоғидан Мухриддин Нурматов, Гулистон қишлоғидан Умида Қаршиев, Қашқабўлоқдан Обид

Бектемиров голиб чиқиб, қимматбахў совғалар: микротўқинли печь, чангюттич, гиламларни қўлга киритди. Тақдирлаш маросимида чавандозлар мусобақа ташкилотчиларига миннатдорлик билдириб, лойиҳанинг бардавом бўлишига умид боғлади.

## АФАНДИНИ КЎРГАН САЙЁҲЛАР

Кўҳна ва боқий Бухорода "Насриддин Афандилар" ҳамда "Шарқ таомлари" фестиваллари ўтказилди



А.САТТОРОВА

Мазкур икки тадбир шариф шаҳарни томоша қилиш учун келган юзлаб хорижий ва маҳаллий сайёҳлар учун ҳақиқий байрамга айланди.

Арқ кўрғонидан Лаби ҳовуз мажмуасигача бўлган худудни қамраб олган фестивал аънавий тарзда карнай-сурнай садолари билан бошланди. Шўҳ куй-тароналар аввал-бошданок меҳмонларнинг кайфиятини чоғ этди. Дор ўйинлари, масҳарабозу Ошиқ дароз ва Машуқ таноз кўнрақ образлари иштирокидаги завқли томошалар, миллий ўйинлар ва фильмлар намойишлари, фольклор ансамблларининг чиқишлари, ёшлар яратган



амалий санъат асарлари кўргазмаси, ҳажвий расмлар кўрик-танлови, қолаверса, ҳалқимиз ардоғидаги шоир-ёзувчилару сўз усталарининг ташрифи тадбирига ўзгача фойз киритди. Байрамнинг бош қаҳрамони, сўзсизки, Хўжа Насриддин Афанди бўлди. — Нодир лўлининг ичакузди ҳангомаларини эшитиб, кўзларимдан ёш чиқиб кетди, — дейди фестивалга ташриф буюрган аjoyиб сўз устаси Нодир Ҳайитов. — Бухороликлар азалдан ҳазил-мутойибага ўч ҳалқ. Бугунги томошалар бунини яна



бир қарра исботлади. "Шарқ таомлари" фестивали доирасида вилоятнинг турли

ҳудудларидан йиғилган моҳир ошпазлар; нововий ва қандоқчилар ўз маҳсулотлари билан тўкин дастурхон тузади. Бухорода фаолият кўрсатётган миллий маданият марказлар ҳам меҳмонларга тансиқ егуликлар улашди. — Бухорони зиёрат қилишни кўпдан бери орзу қилардим, — дейди англиялик сайёҳ Маргарита Плуа. — Менга "Насриддин Афанди" фестивалида иштирок этиш насиб этганидан жуда хурсандман. Афандининг донғи етти иқлимга кетган. У шаҳрингиз тисмолига айланганини эса, энди билдим. Байрам баҳонасида бағри кенг, самимий бухороликларнинг илқ тафтини туйдим. Улар билан мириқиб рақсга тушдик. "Шарқ таомлари" фестивали-ку ҳайратимни янада оширди. Ўзбек таомларининг мазаси бошқача. Бунга қис ҳеч жойда учрамайди. Фестиваллар кечгача давом этди. Фаол ва ташаббускор иштирокчилар тақдирланди.

## MENING FIKRIM

### ЎЗИНГДА БЎЛМАСА, ЎРГАТИШ ҚИЙИН

Дилноза НОДИРОВА,  
Қизилтепа туманидаги 22-умумтаълим  
мактаби ўқитувчиси

Президентимизнинг 2017 йил 30 сентябрдаги "Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида биноан, мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти фаолияти йўлга қўйилди.

Институт зиммасига болаларни замонавий педагогик технологиялар асосида тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантиришга қодир кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш вазифалари юклатилган.

Бола атрофидаги ижтимоий муҳитга монанд ҳолда ўлғаяди. Буни ҳаётнинг ўзи исботлаб

турибди. Халқимизда от билан бўлса эшакнинг охури, ранги юқмас феъли юқар охири, деган пурмаёно нақд бор. Замона жадаллашган сайин тарбия масаласининг аҳамияти янада ортмоқда. Барча иллатларнинг илдири тарбиядаги нуноқлик ва имсизлик экани ўз-ўзидан аён ҳақиқат. Ана шундай шароитда юртимизда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тубдан ислоҳ этишга киришилгани нур устига нур бўлди. Мактабдаги саккиз йиллик педагогик фаолиятим давомида билдимки, имсеварлик ютқурларнинг бош омил экани ўқитрилган болалар дарсларда фаол қатнашди ва ҳар бир фикрини мулоҳаза қилиб қабул қилади. Ҳозирда мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти фаолиятини тингловчисиман. Ўқув машғулоти давомида тарбиячилик жуда мураккаб ва масъулиятли касб эканини англадим. Киши, аввало, китобхон ва шахс психологиясидан яхши хабардор бўлиши, бола билан дўст тутиниши, зарур ҳолда ўзи ҳам болага айлашни керак экан. Юқсак дид ва маънавият — тарбиячининг қуроли. Ахборот технологиялари асри болаларини оддий гаплар билан ишонтириш қийин. Назаримда, дарс машғулоти уларнинг онгу шуурига мустаҳкам ўрнашини ҳамда келажакдаги фаолиятида асқатишини истасак, фикримизни исботлашни билишимиз шарт. Бу вазифа нақадар залворли эканини англаган ҳолда, миллат келажиги бўлиши ёшларни фикри теран, қалби уяғоч этиб тарбиялашга бел боғладим. Бунинг учун эса, даставвал ўзимда ана шундай хислатларни шакллантирмоғим лозим.

## ANJUMAN МУАММОЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Фарҳоджон ХЎЖАЕВ,  
Ёнғин хавфсизлиги институти ўқитувчиси, катта лейтенант

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институтида "Даваат ёнғин хавфсизлиги хизматидаги ислоҳотлар — янги бошқичга қадам" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Унда ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Мактабгача таълим, Инновацион ривожланиш вазирликлари вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий техника институти, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институти,

Тошкент архитектура-қурилиш институти профессор-ўқитувчилари қатнашди.

Тадбирни Ёнғин хавфсизлиги институти бошлиғи, генерал-майор Абдулла Қўлдошев кириш сўзи билан очиб берди. Иштирокчилар ёнғин хавфсизлиги соҳасида кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, ёнғин хавфсизлиги бўлиналари фаолиятини янада такомиллаштириш, мавжуд муаммоларнинг илмий ечими юзасидан ўзаро фикр алмашди. Шунингдек, катта ёнғинларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиб, яқунлари буйича тегшли "Йул харитаси"ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, даваат аҳамиятига молик объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тактик ўқув машғулоти ҳамда тушунтириш ишларини олиб боришга келишиб олинди.

## КУРСАНТЛАР ИНГЛИЗЧАНИ қойиллатди

Элдор НАВРЎЗОВ

Жиззах вилоятида олий ҳарбий билим юрталари курсантлари ўртасида "Жаҳон тилларига саёҳат" номли танлов-викторина бўлиб ўтди

Бўлғуси офицерларни хорижий тилларни мукамал ўрганишга ундаш мақсадида ташкил этилган интеллектуал беллашувда Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг "Golden wings", Чирчиқ танк кўмондонлик муҳандислик билим юртининг "Versatile cadets", Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги махсус факультетнинг "Braves" жамоалари тўрт шарт бўйича голиблик учун кураш олиб борди.

Эътиборлиси, иштирокчилар барча шартларни бажариш жараёнида фақат рус ва инглиз тилларида мулоқот қилди. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти бошлиғи, полковник Бахтиёр Саидов ҳам инглиз тилида сўзлаб, мусобақа иштирокчиларига муваффақият тиллади. Мазкур ҳолат

ҳарбийларимизнинг билим даражаси нечоғлиқ юқори эканини намоён этди. Ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига кўра, "Golden wings" жамоаси биринчи ўринга лойиқ топилди. — Бугунгидек танловлар кўпроқ ўтказилишини хоҳлардим, — дейди Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти Нодир

Кабиржонов. — Шу аснода тилларни ўрганишга иштиёқимиз янада ортарди. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига икки кунлик ташрифдан улкан таассуротлар билан қайтдим. Бу ерда ўқитган тенгдошларимнинг ҳаёти билан яқиндан танишдим. Кўплари билан дўстлашиб олдим.





КИТОВ JAVONINGIZGA

# ИНСОН МУҲАББАТ УЧУН ЯРАЛГАН

Ноҳирабегим ЖАМОЛОВА

Ҳаво анча совиб қолган. Уй зах, ҳайтовур офтоб эринибгина нур сочяпти, шукр. Қўлимга китоб оламан-да, ҳовлининг кўёш тик тушган бурчагида қурилган иссиқхонага шошаман, лимон гуллаганини кўриб қувонаман.

Светлана Аликсиевичнинг Иккинчи жаҳон урушида қатнашган аёллар қисмати ҳусусидаги "Урушнинг аёлдан йироқ қиёфаси" номи асарини илк бор "Жаҳон адабиёти" журналида ўқигандим. Муаллиф 1984 йилда ёзган ушбу битиги учун Нобель мукофотида сазовор бўлган.

Асар бадиийликдан йироқ, унда урушнинг жирканч ва совуқ қиёфаси тасвирланади.

"Аёллар урушида ўзгача бўёқлар, ўзгача ифдор, ўзгача тароват ва ўзгача ҳиссиётлар бор. Унда қаҳрамонлар йўқ". Умуман, урушда қаҳрамон бўладими?! Фақат йўқотиш, эрксизлик, гараз, очлик, ўлим бўлган ерда галаба ҳусусида гапириш қанчалик тўғри? "Қишлоғимга орден ва медаллар билан қайтдим. Уч кун яшаб, тўртинчи кун онам саҳарда, ҳамма ухлаб ётганида мени уйғотди: "Қизим, сенга ул-



бул нарса солиб қўйдим. Кет, кет, болам... Иккита синглинг бор хади. Ким уларни хотин қилади? Тўрт йил эркаклар билан фронтда бўлганингни ҳамма билади". Мен жасорат ҳисоблаган нарсани кўшним саргузашталабдик, деб турса, алам қилиши баробарида ичимни ит тирнайди. Уни тушунишга уринман, аммо қўлимдан келмайди. Урушда қатнашган аёлларга жуда ёмон муносабатда бўлиш-

ган, айблаган, эркаклар ич-ичидан қадрласа-да, уларга елкадош бўлмаган. "Уруш тугагач, улар ниҳоятда ҳимоясиз бўлиб қолди. Масалан, менинг хотиним, у ақлли аёл, бироқ ҳарбий аёлларга ёмон кўз билан қарайди".

Мен аёллар уруш майдонларидан бир неча километр узоқликдаги шифохоналарда ишласа керак, деб ўйлаганман. Ушбу асарни ўқигач, танкчи, учувчи, пулемётчи, ҳатто пиёда жангчи аёллар бўлганини билдим. Ҳамширалар дайми ўқдан сонияда ҳалок бўлишини билатуриб, жанг майдонидан ярадорларни елкабди чиққан. Чиндан, аёл катта дардлар, катта қувончлар, баҳодирлик талаб қилинадиган ишлар учун яратилмаган, лекин уруш эркак-аёлга ажратмайди. Жинсида қатъи назар, инсоннинг ичида ёвузликка нисбатан мурасасиз нафрат бор. Барча адолатсизликка қарши бирдек курашишни истайди. Нотавон одамгина бепарво бўлади, холос. "Рейхстагга шу сўзларни ёзим: "Мен, Софья Кунцевич, урушнинг номини учириниш учун шу ергача келдим".

Аёл қалбини тушунмоқчи бўлган кимки бор, албатта, ушбу асарни ўқиси лозим, деб ўйлайман. "Худо инсонни отиш учун эмас, муҳаббат учун яратган. Сен ҳам шундай фикрдаммисан?"...

SIZ NIMA DEYSIZ?

Шоҳрух БОБОХОН

# ҚАЙГА БОРМАЙ, БОШДА ДЎППИМ...

Наврўз кунларида байрам сайлига чиқдим. Ял-ял товланувчи миллий матоалардан тикилган либослар қизларнинг чиройига-чирой қўшгандек. Йигитлар белидаги белбоғ ҳам ўзларига жуда ярашиб турибди. Бундай ранг-барангликни кўриб, кўзинг қувнайди.



Миллий ўйину беллашувлар, спорт мусобақалари айна авжига чиққан. Қаерданки: "Ким олади-ё шугинани-ё", — деган овоз эшитилди. Жинқроқ бориб: "Мен", — дедим. Унинг сардори мени дарҳол ўртага

чорлади. Атрофдагилар унга жўр бўлиб, яна бояги жумлани такрорлади. Унинг қондиси бўйича, бошни ерга теккизиб, дўппини олиш керак. Шартни бажардим, аммо жуда машаққат билан. Бошдан-оёқ

терга ботиб кетганимни кейин пайқабман. Шунга айтидилар-да миллий ўйинларимиз матонат ва чидамга ўргатади, деб... Кун ҳам исиди. Юзқўлимни сувга чайдим, бошимга ўйинда ютиб олган дўппини қўндирдим. Бироздан сўнг жонимга оро кирди.

Баҳор ҳавоси ўзгарувчан эмасми, ҳозиргина нур сочиб турган кўёшбобо юзини бўлут қоплаб, ёмғир томчилай бошлади. Дўппи менга яна асқатади. Ахир, соч нам тортса, шамоллаб қолиш ҳеч гап эмас.

Хуллас, қайга бормай, ўзимизнинг соддагина бош кийим — дўппижоннинг нафини кўряпман. У мени иссиғу совуқдан асрайди. Қолаверса, ўзига хос кўрк ҳам бағишлаб тургандек. Эҳ-ҳе, қалб қўри ила турли безаклар солиб тикилган дўппилар кимга ҳам ярашмайди дейсиз. Мен бундан фақат ифтихор туяман.

Бу ёнига кунлар исиди. Турли бош кийимларига эҳтиёж ортиси табиий. Ўзбек йигитлари кепка ва шляпалар ўрнига дўппи харид қилса, нур устига нур бўларди. Сиз нима дейсиз, азиз тенгдошим?

"Қўлдан келтирилган - Қилма қилма" / Ўзбекистоннинг миллий ўйинлари

## БИЗНИКИ БЎЛАКЧА

Отабек БАКИРОВ

Ангрен шаҳрининг Соғлом қишлоғида Наврўз "Ёр-ёр" у "Келин салом" ларсиз ўтмайди. Бу одат кўп ҳудудларда бор-ку, дегирсиз. Аммо бизники бўлакча.

Аввало, келин қиёфасида даврага чиқадиган қизнинг сочи тақимини ўпадиган даражада узун бўлиши шарт. Кўёв бола эса, тенгдошларига ибрат-намуна қурсата оладиган, тарбияли йигитлардан танланади.

Соци узун қиз Наврўз айёмининг бардавонлиги, ёшлик ва соғлиқ тимсоли саналса, кўёв деҳқонлару аҳли ҳунар соҳибларига хос гайрат ва шижоатни ифодалайди. Қадимдан иккиси бирлаша, ил баракали ва сермазмун ўтади, дея нақл қилинган.

ASLIYATDAN TARJIMA

# ДОНИШМАНДНИНГ УЧ ҚЎШИ

Ҳиндай тилидан Фаёза ҚҮРБОНОВА таржимаси.

Қадим замонда бир шоҳ бўлган экан. Кунларнинг бирида у тўнғич ўғли билан тортишиб қолиб: "Агар фармон ва буйруқларимни бажаришдан бош тортсанг, менга сендек фарзанд керак эмас, саройдан чиқиб кет!" — дебди.

Шаҳзода жуда мағрур йигит эди. Отасининг гапи қаттиқ тасвир қилиб, саройни тарк этишга қарор қилибди. Эғнидаги шоҳона либосларни оддийсига алмаштириб, йулга равона бўлибди. Қараса, ёнида бор-йўғи уч юз минг рупия пул бор экан. Шунга қарамай, у тушунликка тушабди. Чунки меҳнат билан ҳаётда кўп нарсага эришишига ишонарди. Отасининг давлати йигитни йўлдан урмаган эди.

Шундай қилиб, шаҳзода йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Ниҳоят, бир тоғ этагидида форга етиб келибди.

Фор ичида мўйсифид утирар, ўтган-кетганларга: "Менда учта илм бор, сотиб олинглар. Ҳар илнинг баҳоси юз минг рупия", — дер экан. Шаҳзода мўйсифидга уч юз минг рупияни узатиб: "Шу илларингизни менга беринг", — дебди. Мўйсифид шаҳзодининг қўлига учта қоғоз тузқазиди. Биринчисида, кечкурун урин тушагини қоқмасдан ухламаслик, иккинчисида, бегона одамлар қўлидан ҳеч нарса олиб эмаслик, учинчисида эса, яқин кишилар давлатинг боридагина ёнига бўлиши, инсон фақат ўзига ишониши кераклиги ёзинган эди.

Шаҳзода учта илмини эғаллаб, йўлида давом этибди. Бир пайт қорни очганини сезибди. Далада усаётган жўрхордан синдириб, хомлигича еб юборибди. Чанқаганида жилгадан оқаётган сувдан ичиб, яна йўлга тушибди. Кун бўйи юриб, чарчабди. Шунда бир қулба ёнига келибди. У ерда қари кампир яшар экан. Шаҳзода кампирга: "Онажон, бир кеча тунаним учун жой берсангиз?" — дебди. Кампир: "Кел, ўғлим, кел. Қорнинг очиб кетгандир. Мен ҳозир сенга нон олиб келаман", — дея илтифот кўрсатибди.

"Йўқ, онажон! Қорнинг тўқ, мен жуда чарчаганман, руҳат берсангиз, чўзилиб дам олсам", — дебди шаҳзода.

ҲИНА ХАЛҚ ЭРТАГИ

Кампир ётоққа ишора қилиб: "Урнинг солинган, кириб ухлашинг мумкин", — дебди. Шаҳзода тушакка энди чўзилмаган деганида бирдан мўйсифиднинг ўғити эсига тушибди. Тушакни кўтарса, атрофига тўртта тахта қоқилгани, ўртаси эса, бум-бўшлигини кўрибди. Тушак остида чоҳ қазиб қўйилган экан. Шунда шаҳзода кампирнинг ялмоғиз эканини англабди. Қиличчини яланғочлаб, унинг бошини танасидан жудо қилибди ва бошқа ётоққа жой солиб, ухлабди.

Эрта тонгда шаҳзода яна йўлга равона бўлибди. Тушлик вақти яқинлашгач, узоқдан бир қулба кўрибди. Қулбага кирса, кампир ва қиз утирган экан. Мезбонлар дарров дастурхон ёзиб, шаҳзодини чойга таклиф қилибди. Шунда унинг хаёлига авбейнинг иккинчи ўғити келибди. Дастурхондаги нондан бир парча ушатиб, тилини осилтириб турган итга берибди. Ит ноини ейиши билан, жон таслим қилибди. Шаҳзода овқатга заҳар қўшиганини сезибди. Кампир шаҳзодини шу тарзда ўлдириб, бойлигини олиб қўймоқчи экан.

Сўнгра йигит қулбани тарк этиб, яна йўлида давом этибди. Ўша атрофда шаҳзодининг опаси яшайдиган бир шаҳар бор эди. У шаҳарда бирон иш топиб шугўлланаман, деган илинжада



опасининг уйига келибди. Опа уқанинг гариб аҳволдалигини кўриб, у билан гаплашиши ҳам келмабди. Шаҳзода авбейнинг учинчи насиҳатини эсга олиб: "Камбағалликка яқинларингга ҳам керак бўлмайди", Шунини ўйлаб, йигит опасининг уйидан чиқиб кетибди.

Донишманднинг учала ўғити шаҳзодага қўл келибди. Аммо энди у қандай қилиб бахтга эришишни билмас эди. Йўл юрaversа қарши-сидан маъбудлардек ясангириб қўйилган фил чиқибди. Орқасидан бир тўда одам ҳам келаётган экан. Фил шаҳзодини кўриши билан ҳартумини кўтариб, тазим қилибди ва ерга чўкибди. Шаҳзода Филнинг устига минибди. Жонивор ўрндан туриб, юра бошлабди. Бунни кўрган оломон: "Яшасин,

шаҳзодамиз!" — дея ҳайқирибди. Йигит ҳеч нарсани тушунмабди. "Қандай қилиб сизнинг шаҳзодингиз бўлишим мумкин?" — деб одамларга юзланибди.

Шунда вазири авзам ҳаммасини тушунтириб берибди: "Жаноби олийлари, мамлакатимизнинг олдинги ҳукмдори вафот этган. Унинг биронта ҳам вориси йўқ. Биз узаро маслаҳатлашиб, бу фил кимга тазим қилиб, устига ўтқизса, уша одам пошохимиз бўлади, деган тўхтамага келгандик. Фил сизни танлади, энди пошохимизсиз!" Оломон олқишлар остида шаҳзодини саройга бошлаб, бошига тож кийдирибди. Шу кундан эътиборан шаҳзода тахтга ўтириб, мамлакатни адолат билан бошқара бошлабди.

## YOSHLIK ILHOMI

ОГРИҚЛИ ЖАВОБ

— Катта бўлсанг ким бўласан, ўғлим? Учувчимни, курувчимни ё бизнесмен?  
— Болақай узок ўйланмай жавоб бери:  
— Банд инсон бўламан, дада. Мен ҳам бололаримга: "Жуда бандман, безовта қилманглар", — дейман!

МЕҲР

— Бунча онангиз кўнғироқ қилаверди? Энди соғлигингиз жойида, айтинг-да, ахир! — дея қошларини чинидаи хотини.  
Шу пайт ёнига чопиб келаётган ўғли қоқилиб тушди-ю, аёл жонхўлатда унинг тепасида ҳозир бўлди.  
— Вой, ўлай, ҳеч нима қилмадим?  
Келақол, ўзимга! Юрагимни ёрдинг-а!  
Эркак жилмайди:  
— Жавобни ўзинг айтиб турибсан-ку, хотин...

### ҲОШИЯДАН ТАШҚАРИДА

Йигит ўғирлик билан қамалди. Буни эшитган биринчи ўқитувчиси маҳбусни кўргани келди.  
— Нега ундай қилдинг?...  
— Билмадим... — кўзини ерга тикиб йигит.  
— Мактаб даври эсингиздами? Дафтар ҳошиясидан ёзувим четта чиқиб кетса: "Бўлиб туради", дердингиз. Ўшанда қўлимга урмаган экансиз. Шунда қонунни бузмаган ва бу ерда ўтирмаган бўлардимиз?!

ФОЛБИН

Эшигида одамлар турнақатор тизилиб турибди. Бир бахт сўраб келган, бири тахт. Кимдир касалига шифо топишдан умидвор. Фарзанд илинжида илҳақ, узук йўқотган ҳуркак нигоҳлар... Барчаси мана шу аёлдан нажот истаб келган.  
Не ажабки, фолбин аёлининг на бахти бор, на қувончи. Эри кетиб қолган, фарзанди яримжон. Кароматгўйлиги ўзига кор қилмаса, ўзгача қандай наф келтириши ҳақида эса, биров ўйлаб кўрмасди.

## "YOSHLAR OVOZI" taqvimini

**01 апрель** кунини Шаҳрисабз шаҳрида Амир Тему́р таваллудининг 682 йиллиги муносабати билан "Аждодаларга муносиб ворис бўлайлик!" шiori остида илмий-амалий конференция, "Тему́р тузуқлари билмамони" танлови ҳамда спортнинг бир нечта турлари бўйича очик турнирлар ташкил қилинади.  
Ташаббус Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вилоят кенгашига тегишли.

**04 апрель** кунини "Истиқлол" санъат саройида лунёга машҳур Париж миллий операси (Opera de Paris) солистарининг концерти бўлиб ўтади.  
Муҳлислар Жаҳон балети юлаузаари — Алессио Карбоне, Валентина Колзанте, Пол Марк ва бошқа моҳир санъаткорлар ижросидан баҳраманда бўлиши мумкин.

**10 апрель** кунини "Истиқлол" санъат саройида лунёга машҳур Париж миллий операси (Opera de Paris) солистарининг концерти бўлиб ўтади.  
Муҳлислар Жаҳон балети юлаузаари — Алессио Карбоне, Валентина Колзанте, Пол Марк ва бошқа моҳир санъаткорлар ижросидан баҳраманда бўлиши мумкин.

**14 апрель** кунини "Истиқлол" санъат саройида лунёга машҳур Париж миллий операси (Opera de Paris) солистарининг концерти бўлиб ўтади.  
Муҳлислар Жаҳон балети юлаузаари — Алессио Карбоне, Валентина Колзанте, Пол Марк ва бошқа моҳир санъаткорлар ижросидан баҳраманда бўлиши мумкин.

**18 апрель** кунини "Истиқлол" санъат саройида лунёга машҳур Париж миллий операси (Opera de Paris) солистарининг концерти бўлиб ўтади.  
Муҳлислар Жаҳон балети юлаузаари — Алессио Карбоне, Валентина Колзанте, Пол Марк ва бошқа моҳир санъаткорлар ижросидан баҳраманда бўлиши мумкин.

**20 апрель** кунини "Истиқлол" санъат саройида лунёга машҳур Париж миллий операси (Opera de Paris) солистарининг концерти бўлиб ўтади.  
Муҳлислар Жаҳон балети юлаузаари — Алессио Карбоне, Валентина Колзанте, Пол Марк ва бошқа моҳир санъаткорлар ижросидан баҳраманда бўлиши мумкин.

МУАССИС  
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ  
Қамолiddин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзаёнов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

ДИЗАЙНЕРЛАР  
Рўзиев Зафар Хусанович  
Абдуллаев Хуршид Уктамжонович  
Навбатчи  
Абдурахмон Жўраев

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиб тахририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт. Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.  
Тахририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.  
(371) 233-79-69 (факс).  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz  
«Шарқ» нашрийт-матбиа акциядорлик компанияси босмахонасида.  
А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.  
Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.  
Индекслар: 203, 3203  
Баҳоиси келишилган нархда.  
Буғрича: Г-436  
Ақшод — 23500  
Вилоят телерадио маркази — 21.00  
Тошкентда — 00.30  
Пақ устун — 00.10  
Объект устунда босилган.